



ИМОМ НАВАВИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Бобохонов Ийсохон Яхъехон ўғли

Тошкент давлат шарқшунослик университети магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7213997>

ARTICLE INFO

Received: 01st October 2022

Accepted: 10th October 2022

Online: 17th October 2022

KEY WORDS

Имом Нававий, фикҳ, ҳадис, Дамашқ, Нава, Саҳиҳи Муслим, ҳаж, шофеъий, шарҳ, мухтасар.

ABSTRACT

Маълумки, Имом Нававий 46 йилгина умр кўрган. Шунга қарамай у ўздан шу даражада кўп илмий мерос қолдирдики, агар яшаган умри муддатига унинг ёзган асарлари таққосланса, қунига бир неча вароқдан тўғри келади. Агар унинг китоб ёзишни ўттиз ёшларида бошлаганини ҳисобга олсак, бу янада ҳайратланарли тус олади. Ушбу мақолада Нававийнинг қолдирган илмий меросига тўхталиб ўтамыз.

Абдулғаний Дақарнинг ёзишича, Нававий ҳар куни китобларини ёзиш асносида шу даражада кўп ёзардики, ҳатто қўллари толиб, ёза олмай қоларди.¹

Нававий асосан ҳадис илми борасида машҳур бўлсада, ёзиб қолдирган илмий мероси фақатгина бир соҳада чегараланиб қолмаган. Унинг асарлари фикҳ, ҳадис илми, шарҳлари ва унга оид терминлар, тилшунослик, тарихий шахсларнинг биографиялари ва бошқа соҳаларга бағишланган. Унинг асарлари тушунарлилиги, ибораларнинг тўғри қўлланилиши ва осон тушунилиши билан алоҳида ажралиб туради.

Нававийнинг асарларини уч қисмга бўлиш мумкин:

1. Тўлиқ ёзиб тугатилган, охирига етказилган асарлар.

2. Тугатилмаган, яъни вафоти сабаб охирига етказилмаган асарлар.

3. Вароқлари ювиб ташланган, яъни ўчириб юборилган асарлар.

Ўша даврда қоғоз танқислиги учун бирор сабаб туфайли қоғоздаги сиёҳни ювиб ташлаб, унга қайтадан ёзиш одат бўлган. Нававийнинг шогирди Ибн Мулаққин зикр қилишича, кунларнинг бирида олим ўз қўли билан ёзган мингга яқин дафтарни Ибн Мулаққиннинг қўлига тутказиб уларни ювиб юборишни буюради. Шогирд эса устозининг буйруғига хилоф қила олмай қалбида минг афсус билан мазкур қоғозларни тозалайди.²

Нававийнинг тугалланган асарлари. Нававийнинг тугалланган асарларига қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

1. “Ал-минҳож фий саҳиҳи Муслим ибн Ҳажжож”. Бу Нававийнинг

¹ Абдулғаний Дақар. “Имом Нававий”. “Нававийнинг асарлари” мавзуси. 157—190-бет.

² Али Тантовий. “Ал-имамун Нававий”. 19-бет. “Дарул фикр” нашриёти. Дамашқ, 1996.



энг машхур асарларидан бири бўлиб, Ислом оламида Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ” асаридан кейинги ўринда турадиган Муслим ибн Ҳажжожнинг “Саҳиҳ” тўпламига битилган шарҳ саналади. Муаллиф асарда ҳадислардаги фикҳий ҳукмлар, ҳадиси шарифнинг маънолари, чигал ёки қийин жумалар изоҳига алоҳида эътибор қаратган.

Бу асар барча мусулмонлар тарафидан қабул қилинадиган ва катта шуҳрат қозонган асарлардан саналади. Муаллиф агар кўпчилик инсонлар кўп жилдли, узун ёзилган китобларни ўқишни истамагани сабаб китобнинг ёйилмай қолишидан, ўқувчилар кам бўлишидан чўчилаганида мавзуларнинг такрори ва қўшимча зиёдаларсиз китобни юз жилдга етказган бўлишини таъкидлайди.³

2. “Равзатут-толибийн”. Бу Рофеъийнинг “Фатҳул азиз” асарининг мухтасари бўлиб, Рофеъий Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Ал-важиз” номли асарига шарҳ ёзган. Нававий эса уни қисқартирган.

Мазкур асар Шофеъий мазҳабидаги энг мўтабар манбалардан бири саналади. У 1882 йилда шарқшунос Фан Дерберж тарафидан француз тилига таржима билан нашр қилинган. Шунингдек, Мустафо Бобий тарафидан ҳам қўлёзмадан замонавий нусхага ўгирилиб, Мисрда нашр этилган.⁴

3. “Минҳожут-толибийн”. Бу ҳам фикҳ фанига оид китоб бўлиб, Шофеъий мазҳабида кўра ёзилган ва бу мазҳаб олимлари ўртасида жуда машхур ҳамда асосий манба саналадиган асардир.

Шофеъий мазҳаби фикҳини ўрганувчи талабаларнинг жуда кўпи бу асарни ёдлаб чиққан, чунки унинг лафзлари жуда чиройли ва қисқа, лекин маънони гўзал ифодаладиган тарзда битилган.

Али Тантовийнинг ёзишича, шофеъийлардан бўлган қирқдан ошиқ олимлар мазкур асарга шарҳ ва ҳошиялар, назмлар битишган. Уларни Ҳофиз Саховий ўзининг Нававий биографиясига бағишланган асарига санаб ўтган.⁵

4. “Ат-тибьян фий адаби ҳамалатил Қуръан”. Мазкур асар Қуръони каримни ёд олган қорилар амал қилиши лозим бўлган одоблар, ёд олганлар ва ёдлаётганларнинг сифатлари, Қуръонни таълим берувчилар одоблари ҳамда тиловат фазилатлари ва қориларга Аллоҳ таоло тарафидан бериладиган мукофотлар баёнига бағишланган. Бу китоб ўн бобдан иборат.

5. “Ат-тахрир фий алфазит-танбиҳ”. Бу асар тилшуносликка оид асар бўлиб, XI асрда яшаб ўтган Ау Исҳоқ Шерозийнинг фикҳ фанига тегишли бўлган “Ат-танбеҳ” асарига бағишланган.

6. “Ал-ийзоҳ фил-манасик”. Мазкур асар Исломнинг бешинчи рукни ҳисобланмиш ҳаж амалларига бағишланган бўлиб, унда ҳаж ибодатининг фарзлари, бузувчилари, суннат ва мустаҳаб каби масалалар баён қилинади. Шунингдек, унда ҳаж ибодатининг бошқа Ислом арконларидан фарқлари ва бошқа маълумотлар ҳам зикр қилинган. Китоб 8 боб ва 3 фаслдан иборат.⁶

³ Нававийнинг “Саҳиҳи Муслим”га ёзган шарҳи муқаддимаси. 18-23бет. “Муассасату Қуртуба” нашриёти. 1994-йил.

⁴ <https://ar.m.wikipedia.org/>

⁵ Али Тантовий. “Ал-имамун Нававий”. 21-бет. “Дарул фикр” нашриёти. Дамашқ, 1996.

⁶ <http://alturath.info/fekh/eydah-almanasek/eydah-almanasek.htm>



7. “Риёзус солиҳийн мин калами саййидил мурсалийн”. Мазкур асар ибрат ва ваъз-насихат мавзусидаги ҳадисларни ўзида жамлаган китоб ҳисобланади. Бу услубда жуда кўп китоблар ёзилганига қарамай, Нававийнинг ушбу асари улар орасида алоҳида ажралиб турадиган эътиборли ва машҳур китоб саналади. Ушбу асар ўзбек тилига Анвар Аҳмад тарафидан таржима қилинган бўлиб, 2015 йилда “Имом Бухорий халқаро маркази” тарафидан нашр қилинган.

8. “Ал-азкорул мунтаҳоба мин калами саййидил аброр”. Бу китобда кундалик зикрлар, дуолар ва турли хил муносабатлар сабабли ўқиладиган дуолар, улар борасидаги ҳадислар жамланган бўлиб, бу асар “Ал-азкор” номи билан танилган. Мазкур асар ҳам бир неча марта ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган.

9. “Ат-тақриб ват-тайсир лимаърифати сунанил башир ан-назир”. Нававийнинг ушбу асари ҳадис фани асослари ва қоидаларига бағишланган бўлиб, мазкур фаннинг етук олимларидан бўлган Ибн Солаҳнинг “Улумул ҳадис” асари қисқартмаси саналади. Бу асарга Жалолиддин Суютий алоҳида шарҳ ёзган. Шунингдек, Ҳофиз Саховий ҳам шарҳ битган.⁷

10. “Бўстонул орифийн”. Бу Нававийнинг тасаввуфга бағишланган асари бўлиб, муаллиф асарда нафс тарбиясига оид оят ва ҳадислар, ҳикоялар, ҳикматлар ва уламоларнинг сўзларини зикр қилади. Шунингдек, баъзида ҳадисларнинг саҳиҳлигини

баён қилса, баъзида тушуниш мушкул бўлган мавзуларга алоҳида изоҳ бериб ўтади. Мазкур асарнинг қўлёзма нусхаси Ар-Риёддаги подшоҳ Сауд номидаги университетда сақланмоқда. Уни XIII асрда хаттот Маъмун ибн Муҳаммад Ийжий қоғозга туширган.⁸

Нававийнинг тугалланмаган асарлари. Имом Нававийнинг жуда кўп асарлари вафоти сабабли ниҳоясига етмай қолган. Уларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

1. Фикҳ борасида ёзилган Абу Исҳоқ Шерозийнинг “Ал-муҳаззаб” асарига ёзилган “Ал-мажмуъ” номли шарҳ.

2. Луғат ва биография соҳасига тегишли бўлган “Таҳзибул асмаи вал-луғот” асари.

3. Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Ал-васит” номли асарига ёзилган шарҳ.

4. Имом Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг аввалги қисмларига битилган шарҳ.

5. Абу Довуд Сижистонийнинг “Сунан” асарига битилган шарҳ.

6. Ҳадис ва фикҳ фанига бағишланган “Ал-хуласоту фий аҳадисил-аҳкам” асари.

7. “Тобақотул фуқаҳо” асарининг қораламаси. Буни Ҳофиз Миззий оққа кўчирган.

8. “Тухфату толибин набиҳ”. Бу асар ҳам фикҳ фанига бағишланган.

9. Фикҳ фанига бағишланган “Муҳимматул аҳкам” асари.

10. Фикҳ фани асос ва қоидаларига бағишланган “Ал-усул ваз-зобабит” асари шулар жумласидандир.

Хулоса. Нававийнинг асарлари умумий ҳисобда эллиқдан ошади. Уларнинг

⁷ <http://almeshkat.net/book/1164#.VB84SBKPyM8>

⁸ Яхё ибн Шараф Нававий. “Бўстонул орифийн”. Тадқиқот муқаддимаси. “Дорул минҳож” нашриёти. Жидда - 2013. 38-бет.



баъзилари ниҳояланган бўлса, бошқа бир қисми ниҳоясига етмай қолган. Ниҳояланмай қолган баъзи асарларни ундан кейинги олимлар тугаллашга ҳаракат қилган бўлса-да, ҳеч ким буни Нававийчалик уддалай олмаган.

Шунингдек, баъзи асарларни Нававий ҳаётлик вақтидаёқ ўчириб юборган. Умуман олганда бизгача етиб келган асарлари ҳам унинг нақадар катта илмий мерос қолдирганига ёрқин далил бўла олади.

References:

1. Ҳофиз Саховий. “Ал-манҳалул аъзбир-ровий фий таржимати қутбил-авлия ан-Нававий”. “ДКИ” нашриёти. Ливан – 2005.
2. Абдулғаний Дақар. “Имам Нававий”. “Дарул қалам” нашриёти. Дамашқ – 1994.
3. Ибн Аттор. “Тухфатут-толибийн фий таржиматил-имам Муҳйиддин”. Машхур ибн Ҳасан тадқиқи. “Дарул асарийя” нашриёти. Уммон – 2007.
4. Муаллифлар жамоаси. “Нузҳатул муттақийн шарҳу риязис-солиҳийн”. “Муассисатур-рисала” нашриёти. Байрут – 1977.
5. Яҳё ибн Шараф Нававий. “Бўстонул орифийн”. “Дорул минҳож” нашриёти. Жидда - 2013.
6. Али Тантовий. “Ал-имамун Нававий”. “Дарул фикр” нашриёти. Дамашқ, 1996.
7. Нававийнинг “Саҳиҳи Муслим” га ёзган шарҳи. “Муассасату Қуртуба” нашриёти. 1994 йил.

ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАРИ:

1. <http://alturath.info>
2. <http://almeshkat.net>
3. <https://wikipedia.org>
4. <https://archive.org>